
**Вилоят суди судьяларининг навбатдаги сайёр қабули "Қулибек"
маҳалласида ташкил этилади**

Фарғона вилояти суди судьялари, ҳудуддаги туманлараро ва туман судларининг раислари Ўзбекистон туманида навбатдаги сайёр қабулни ўтказишади.

Фуқароларнинг суд-ҳуқуқ масалаларига оид мурожаатларини кўриб чиқиш учун ташкилланаётган мазкур сайёр қабул 2022 йил 12 март, шанба куни соат 9:00 дан бошлаб "Қулибек" маҳалла фуқаролар йиғини биносида ташкил этилади.

Сайёр қабулда қатнашиш истагини билдирган фуқаролар қабул кунига қадар тумандаги Халқ қабулхонаси ёки Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилиб, рўйхатдан ўтишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 73-539-10-00, 73-539-52-12

2022-03-11 01:22:09